

Холмурод Назаров

**АМИР ТЕМУРНИНГ  
ДАВЛАТ ВА ХУҚУҚ ҲАҚИДАГИ  
ТАЪЛИМОТИ**

**/ Монография /**



Тошкент - 2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ

---

Холмурод Назаров

**АМИР ТЕМУРНИНГ  
ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ҲАҚИДАГИ  
ТАЪЛИМОТИ**

/ монография /

ТОШКЕНТ  
2023

Ушбу монография институт Илмий-услубий кенгашининг “ ” \_\_\_\_\_  
йилда бўлиб ўтган № \_\_\_\_\_-сонли мажлисида кўриб чиқилди ва чоп этишга  
тавсия этилди.

### УДК

#### Аннотация

Мазкур монграфияда муаллифнинг юридик фанлар буйича докторлик илмий тадқиқотлари асосида Амир Темурнинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотининг муҳим жиҳатлари: хусусан, давлатнинг келиб чиқиши, давлатнинг олий ва ижро ҳокимияти шаклланиши, давлатни бошқариш, давлат фаолиятининг ҳуқуқий тамойиллар, давлатнинг солиқ тизими, давлатда суд ҳокимияти ҳақидаги қарашлари, фикрлари, ғоялари илмий таҳлил этилган.

#### Масъул муҳаррир:

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлар доктори,  
профессор **Ҳалимбой Бобоев**

#### Муаллиф:

Юридик фанлари номзоди, доцент **Х. Назаров**

#### Такризчилар:

Юридик фанлари доктори, профессор **Ф. Мухитдинова**  
Тарих фанлари доктори, проф. **Ш. Ўлжаева**

Холмурод Назаров  
/ АМИР ТЕМУРНИНГ ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТИ /  
Монография. –Т.: “ТИҚХММИ” МТУ, 2023. - 86 бет.

© “ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ (“ТИҚХММИ” МТУ), 2023 й.

### МУҚАДДИМА

Мазкур монграфияда муаллифнинг юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзаётган докторлик илмий тадқиқотлари асосида Амир Темурнинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотининг муҳим жиҳатлари: хусусан, давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги концепцияси, марказлашган давлат, ғоялари, давлат ҳокимиятини мустаҳамлаш ва уни амалга оширишда умуминсоний мафкура ва ҳуқуқий воситаларини ўрни ва аҳамияти, давлат ҳокимияти тизими, ижро ҳокимиятининг хусусиятлари, ҳуқуқ тизими, давлатда ҳуқуқ манбалари, олий, ижро ҳокимияти ва суд ҳокимияти, давлатни бошқариш фаолиятининг ҳуқуқий тамойиллари ҳақидаги қарашлари, фикрлари, ғоялари, тасаввурлари сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этилган.

Монографияда марказлашган қудратли Турон давлати ва унинг ҳуқуқ тизимини Амир Темурнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти ташкил этишлиги шухбасиздир. Бирок, бу қудратли давлатнинг доимий галабалари ва унинг фуқционал механизмларини билиш халқимизнинг келажаги буюк давлатининг назарий асосларини такомиллаштиришда муҳим илмий асос бўлади. Шу боис, Амир Темур фаолиятининг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларига, айниса, унинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимотини ўрганиш, таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратишимиз энг муҳим муаммолардан биридир.

У маънавий қадриятларни давлат раҳбари ахлоки орқали жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларини таъминловчи сиёсий омил сифатида буюк давлатчилик ғояларини вужудга келтиришдан бошлаган эди. У халқимизнинг давлатчилик ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти асосида ўз давридаги халқнинг эзгу ниятлари, орзу-умидлари ва интилишларини давлат манфаатлари билан уйғун бўлган давлатнинг мафкуравий ва мукамал ҳуқуқий асосларини яратди.

Монографияда Амир Темурнинг “адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, беғуноҳга ҳам раҳим шафқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чикардим. Хайр эҳсон ишларим билан одамларнинг кўнглидан жой олдим. Сиёсат ва инсоф билан сипоҳларимни, раиятни умид ва кўркинч орасида тутиб турдим. Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳимдиллик қилдим, аскарларимга инонлар улашдим. Золимдан мазлумнинг ҳақини олдим. Золим етказган моддий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин уни шариатга мувофиқ иккиси ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм